



Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, 221200, Yangibozor shaharchasi  
Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, 221200 Янгибозор шаҳарчаси, Тел: 41-94-256

2020 йил « 5 » май

№ 883

Янгибозор тумани

Янгибозор тумани Бўзкалъя қишлоғи ҳудудидан “Azizbek Green Hous” масъулияти чекланган жамиятига “Замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона” қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Янгибозор тумани Бўзкалъя қишлоғи ҳудудидан “Azizbek Green Hous” масъулияти чекланган жамияти раҳбарининг “Замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона” қурилиши учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган ёзишмаси ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, туман архитектура ва қурилиш бош бўлими, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, туман СЭО маркази, туман ФВ бўлими ҳамда ушбу юзасидан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг далолатномаси, хулосаси ва баённомасини кўриб чиқиб, Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги корхона, ташкилот ва фермер хўжалиқларига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясининг баёнига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилдаги Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги 467-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” нинг 6-моддаси ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 10-моддасига асосланиб,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг “Azizbek Green Hous” масъулияти чекланган жамиятига Бўзкалъя қишлоғидан қишлоқ хўжалиқ ер харитасининг 7-контуридан 1,1 гектар замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона қурилиши учун 35 балл бонитетли экин ер майдони вақтинча фойдаланиш (30 йил муддат)га ажратиш тўғрисидаги далолатномаси, хулосаси ва баённомаси маъқуллансин.
2. “Azizbek Green Hous” масъулияти чекланган жамияти Бўзкалъя қишлоқ хўжалиқ ер харитасининг 7-контуридан 1,1 гектар ер майдонида замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона қурилиши учун 35 балл бонитетли экин ер майдони вақтинча фойдаланиш (30 йил муддат)га ажратиш берилсин.
3. “Azizbek Green Hous” масъулияти чекланган жамиятига;
  - лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда тегишли корхона ташкилотлардан хулосалар олиш вазифаси юклатилсин;
  - мазкур қарор АРТ-1, АРТ-2 ва қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун асос бўлиб, қурилиш ишларини амалга ошириш учун асос бўла олмайди;

471 10 08 20 2222

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 36-моддаси 10-қисмига мувофиқ 1 йил мавбўйида ажратилаётган ер майдонидан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда ва бошқа мақсадда фойдаланилганда қабул қилинган қарор ўз кучини йўқотиши тўғрисида оголантирилсин.

4.Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига Вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин 2 (икки) кунлик календарь иш кунида ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

5.Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га ажратиб берилган ер майдонини ўз жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш ва ер ҳисоботиغا ўзгартириш киритиш, туман қурилиш бўлими (О.Давлетов)га ушбу қурилишни шаҳарсозлик норма ва қоидалари мос келишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

6.Ушбу қарор Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиқига киритилсин.

7.Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралсин.

8.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Б.Тулнев зиммасига юклатилсин.

Янгибозор туман ҳокими



*Ў. Курбанов*

Ў.Курбанов